

ЛОВИЯДА ЎРГИМЧАККАНАЛАРГА ҚАРШИ КИМЁВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИНГ БИОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация: при использовании химикатов “Вертимек” 1,8 процента (0,3 л / га), “Ниссоран” 5 процентов (0,2 л / га), “Химголд” 72 процента (0,3 л / га) против *Tetranychus urticae* фасоли показал около 88 - 92% биологической эффективности.

Annotation: at use of chemicals Vertimek, 1,8 percent (0,3 l/ga), Nissoran, 5 percent (0,2 l/ga), Himgold, 72 percent (0,3 l/ga) against *Tetranychus urticae* Koch in *Phaseolus vulgaris* L has shown about 88 - 92 percent biological efficiency.

Калит сўзлар: ловия, ўргимчаккана, инсектицид, акарицид, кимёвий препарат, биологик самарадорлик.

Ловия дуккакли дон экинлари ичида энг кўп тарқалган ва қимматли озиқ-овқат экинидир. Унинг дони таркибида 0,7-3,6% ёғ, 20-31% оқсил, 50-60% крахмал ҳамда бир қанча минерал элементлар мавжуд. Шу сабабли республикаимиз аҳолисини сифатли ва тўйимли оқсилга бой маҳсулотларга бўлган талабини қондириш мақсадида ловия ўсимлигини етиштириб, улардан юқори ҳосил олиш бугунги кунда долзарб вазифалардан дандир.

Ловия ўсимлигидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий омилларидан бири уни экинларга жиддий зарар етказадиган ва иқтисодий аҳамияти юқори бўлган зараркунандалардан ҳимоя қилишдир. Олимлар Республикаимиз шароитида дуккакли дон экинларида 100 дан ортиқ турдаги заракундалар учраши ва бу зараркунандалар ичида ловияга ўргимчакканалар кўпроқ зарар келтиришини баён этишган [1,2].

2014-2016 йилларда олиб борган тадқиқотларимизда ловия ўргимчаккана билан кучли зарарланиши кузатилди.

Шунинг учун 2017-2019 йилларда Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институтида ловия экилган майдонларда ўргимчакканага қарши кимёвий препаратларнинг биологик самарадорлигини ўрганиш мақсадида тадқиқотлар олиб бордик.

Тадқиқотларда ловия экинида ўргимчакканага қарши 3 турдаги кимёвий препаратларни (акарицидларни) синовдан ўтказдик. Тажибада инсектоакарицидлар “Вертимек” 1,8 % эм.к.- 0,3 л/га, “Ниссоран” 5% эм.к.- 0,2 л/га, “Химголд” 72 % эм.к.-0,3 л/га сарф-миқдорда ўргимчакканаларга қарши

3 такрорланишда қўлланилди. Назорат вариантыда эса инсектоакарицидлар билан ишлов берилмади. Ишчи суюқлиги 300 л/га ҳисобида олиниб, К-45 маркали моторли қўл пуркагичи ёрдамида амалга оширилди. Тажиба қўйиш ва унинг самарадорлигини ҳисобга олиш ишлари умумқабул қилинган услуб асосида олиб борилди. Биологик самарадорлик эса Аббот формуласи ёрдамида бажарилди. [3].

Тадқиқот натижасига кўра, “Ниссоран” 5% эм.к.- 0,2 л/га сарф-миқдорида қўлланилган вариантда биологик самарадорлик биринчи ҳисоб кунда назоратга нисбатан 53,5 % ни ташкил қилган бўлса, 7 – ҳисоб кунда бу кўрсаткич назоратга нисбатан 79,7 % га, 14- кунга келиб эса 90,8 % га тенг бўлди.

“Химголд” 72 % эм.к.-0,3 л/га сарф-миқдорида қўлланилган вариантда ҳисобнинг биринчи кунда биологик самарадорлик назоратга нисбатан 46,9 % ни, 7- ҳисоб кунда 81,1 % ни ва 14 – ҳисоб кунда 91,5 % ни ташкил этди. “Вертимек” 1,8 % эм.к.-0,3 л/га сарф-миқдорида қўлланилган вариантда биринчи ҳисоб кунда 56,6 %, 7 – ҳисоб кунда 78,9 % ва 14 – ҳисоб кунда эса энг юқори 89,7 % биологик самарадорликка эришилди. (1-жадвал). Хулоса шуки, ўргимчакканаларга қарши “Вертимек” 1,8 % эм.к.(0,3 л/га), “Ниссоран” 5% эм.к. (0,2 л/га), “Химголд” 72 % эм.к.(0,3 л/га) кимёвий препаратларни юқорида кўрсатилган сарф-миқдорида қўлланилганда 86,4 – 90,7 % дан ортиқ биологик самарадорликка эришилади.

А.ХОЛЛИЕВ,
қ.х.ф.ф.д., доцент,
А.НОРҚУЛОВ,
таянч докторант,
ТошДАУ.

Ловияда ўргимчакканага қарши инсектоакарицидларнинг биологик самарадорлиги.
(Тошкент вил. Қибрай тумани, ЎИТИ тажиба хўжалиги, ишчи суюқлиги сарфи 300 л/га, 2017-2019 йиллар).

№	Вариантлар	Препаратнинг сарф миқдори, л/га	Зараркунандаларнинг ўртача 1 баргдаги сони, дон					Биологик самарадорлик, %					
			Дори сепилгунча	Дори сепилгандан кейин, кун.				1	3	7	14	21	
				1	3	7	14						21
1.	Ниссоран, 5% эм.к.	0,2	39,7 ±0,4	20,3 ±0,5	15,6 ±0,3	10,8 ±0,4	5,9 ±0,3	6,9 ±0,2	53,5±0,7	66,7±0,3	79,7±0,3	90,8±0,7	90,7±0,1
2.	Химголд, 72 % эм.к	0,3	40,7 ±0,5	23,8 ±0,4	16,3 ±0,5	10,3 ±0,4	5,6 ±0,5	8,6 ±0,2	46,9±0,5	66,1±0,9	81,1±0,5	91,5±0,4	88,8±0,6
3.	Вертимек, 1,8 % эм.к	0,4	37,1 ± 0,2	17,7 ±0,6	14,6 ±0,3	10,5 ±0,3	6,2 ±0,3	9,5 ±0,2	56,6±0,3	66,7±0,2	78,9±0,4	89,7±0,5	86,4±0,3
4.	Назорат (ишлов берилмаган)	-	40,3 ±0,4	44,4 ±0,2	47,7 ±0,4	54,2 ±0,4	65,8 ±0,3	76,1 ±0,2	-	-	-	-	-

АДАБИЁТЛАР:

1. Полевщикова В.Н. “Дуккакли дон экинларида учрайдиган зараркунандалар ва уларга қарши кураш.” ЎзЎҚИТИ томонидан тўплам. Тошкент- 1965.
2. Полевщикова В.Н., Сорокина В.Н. “Вредители и болезни кормовых и зернобобовых культур.” Т. «ФАН». – 1967.- С. 85-100
3. Хўжаев Ш.Т. “Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар.” Тошкент. 2004 й.
4. Холлиев А., Махмудова Ш., Имомова М. “Мош экинида ғўза тунламига қарши кимёвий препаратлар биологик самарадорлиги.” //”Агро илм” журнали.-Тошкент, 2019.- Махсус сон №6 (61). – 62-63 б.